

# ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

adolat24.uz/  
t.me/Gazeta\_Adolat

Президент Шавкат Мирзиёев 18 декабрь куни Тошкент вилояти Зангиота туманидаги "Tashkent Pharma Park" инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерига ташрифи чоғида шу ерда барпо этиладиган Фармацевтика техник университети ҳақида ахборот берилди.

Унда фармакопея маркази, кутубхона, спорт мажмуаси, ўқитувчилар ва чет эллик ходимлар учун турар жой бўлади. Саноат фармацевти, биокимё ва биотехнология, биофармацевтика, биоинформатика каби йўналишларда юқори малакали мутахассислар тайёрланади. Бунинг учун таълим халқаро дастурлар асосида йўлга қўйилади, микробиология, биотехнология, ҳужайра биологияси, фармакология, таҳлилий кимё каби лабораториялар ташкил этилади.



Сарҳисоб

## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

имконияти чекланган фуқароларнинг ҳуқуқларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилди



**Робахон МАХМУДОВА,** Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари

Ҳар бир жамиятнинг тараққиёти унинг инсонпарварлик тамойиллари ва ўз фуқароларига тенг имкониятларни яратишга қаратилган саъй-ҳаракатлари билан ўлчанади. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда ногиронликнинг оғир турларига дучор бўлган болаларга ғамхўрлик кўрсатиш борасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, имконияти чекланган шахсларнинг ҳуқуқ ва манfaatларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамият ҳаётига фаол интеграциясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўтаётган 2024 йил якунларига назар соларканмиз, ижтимоий ҳимоя тизими самардорлиги ва манзиллигини ошириш орқали ижтимоий ҳимояни маҳалла даражасига ташкил этиш бўйича тизимли ишловлар амалга оширилганига гувоҳ бўламиз.

Эътиборли томони шундаки, йил мобайнида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаси янги босқичга олиб чиқилиб, ягона марказлашган тизим сифатида шакллантирилди. Жумладан, юртимизнинг 208 та туман ва шаҳарларида "Инсон" марказлари ва ҳар бир маҳаллада ижтимоий ходимлар фаолияти йўлга қўйилди.

Маҳалла даражасида 12 тоифадаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга 100 дан ортиқ ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиши тизими яратилди.

Қаровчисиз қолган 2 429 нафар шахс аниқланиб, ўзгалар парварлишига муҳтож ёлғиз яшовчи ёки яқин-ёлғизлар реестрига киритилди.

Бундан ташқари, 852 нафар шахсга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш, ҳамроҳлик қилиш ёки қараб туриш бўйича пуллик хизматлар ташкил этилди. Шунингдек, 10 169 нафар ногиронлиги бўлган шахсларнинг ногиронлик гуруҳи аниқланди.

Ногиронлиги бўлган шахсларга кўмаклашиш, жамиятга интеграция қилиш, сифатли протез-ортопедия ва реабилитация воситалари билан таъминлаш тизими такомиллаштирилди.

Протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари турларини 18 тадан 30 тага, қоплаб бериладиган маблағлар миқдори ўртача 10 бараваргача оширилди. Бу борада энг муҳими — инсонларга зарур воситаларни электрон тарзда ўзлари танлаб олиш имконияти яратилди.

Яна бир муҳим кўрсаткич — ишлаш истагида бўлган 3,3 минг нафар ногиронлиги бўлган шахслар очик танлов орқали давлат ташкилотларидаги бўш иш ўринларига жойлаштирилди.

## СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ ЧИНАКАМ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ЯНГИ ТИЗИМ



## 22 декабрь – Энергетиклар куни

Ҳар бир хонадонда

# "МИТТИ ҚУЁШ" ПОРЛАБ ТУРСИН

– 22 декабрь улар учун қадрли ва рамзий маънода байрам куни қилиб белгиланган. Демак, қувончли лаҳзаларда ҳам машаққатли ва шарафли касб эгалари истеъмолчилар олдидagi мажбуриятни икки қарра ҳис этган ҳолда ҳар қандай мураккаб ишга шай бўлиб турадилар. Чунки энергетиклар Ватан сарҳадларида, ҳар бир хонадонда инсон зақоси билан ихтиро қилган "митти қуёш" ҳамшиша порлаб туришини чин кўнгилдан хоҳлайдилар. Касбимиз тақозосига қўра доимо мураккаб

шароитда ишласак-да, мудом халқнинг розилигини ўйлаймиз. Ҳеч кимнинг хонадонида чироқ ўчмасин. Юртимиз тинч, халқимиз хотиржам ва фаровон яшасин!

Янги йилда ҳам барча истеъмолчиларимизнинг орзулари ушалсин, истақлари амалга ошсин, – дейди куйинчак партиядошимиз, Янги Наманган туман ҳудудий электр тармоқлари бошлиғи, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Адхамжон ҲАМРАЕВ.

## Ижтимоий ҳимоя соҳасида 2025 йилдаги устувор вазифалар

**► 2025 йилда:** Муҳтож одамларнинг жарроҳлик амалиёти учун Тиббий сугурта жамғармасига қўшимча **185** миллиард сўм ажратилади.

**"Ижтимоий дафтарлар"** маблағи фақат камбағал оилалар яшаш шароитини яхшилаш, тиббиёт, таълим хизматларини кўрсатиш ва даромадини оширишга сарфланади.

**Эндиликда бу маблағлар тумандаги камбағаллар сонига қараб тақсимланади.**

- Эҳтиёжманд аҳолини **битта ижтимоий уй-жойга** жойлаштиришдан воз кечилади.
- Уларга ўзини маҳалласига **яқин жойдаги уйни** ижарага олишга рўхсат берилади, харажати **қоплаб берилади.**

**► 10 ДАН ОРТИҚ ҲУЖЖАТНИ ЎРНИНИ БОСАДИГАН БИТТА – ИЖТИМОЙ КАРТА ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ.**

Ижтимоий карта билан автобус ва метрода **бепул юриш, электр, газ ва ўқиш харажати**га компенсация олиш мумкин бўлади, нафақа ва ёрдам пуллари ҳам **шу картага тушади.**

**► ҲАР БИР ВИЛОЯТ, ТУМАН ШИФОХОНАСИДА РЕАБИЛИТАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ**

- 12** та ногиронлик реабилитация марказида эрготерапия, физиотерапия, даволаш-гимнастика хизматлари қамрови **5** қарра оширилади;
- 7** та тиббиёт олийгоҳида реабилитация кафедралари очилади;
- Профессор-ўқитувчилар **Корея тажрибаси асосида** қайта ўқитилади.

**► 2025 йилда 80 МИНГ МУҲТОЖ ОДАМГА ЗАРУР ПРОТЕЗ ВОСИТАЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ.**

Ногиронлиги борларни иш билан таъминлаш мақсадида **1** январдан:

- НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ИШЧИЛАР УЧУН ИЖТИМОЙ СОЛИҚ **1** ФОИЗ ЭТИБ БЕЛГИЛанади.
- КОРХОНАЛАРГА СУРДОТАРЖИМОН, ПСИХОЛОГ ВА КЎЗИ ОЖИЗЛАР УЧУН ҲАМРОҲЛИК ХИЗМАТИ ХАРАЖАТИ УЧУН **50** МИЛЛИОН СЎМГАЧА СУБСИДИЯ АЖРАТИЛАДИ.

Бундай одамларни ишга жойлаган хусусий бандлик компанияларига **500** миллион сўмгача грант берилади.

**► ҲАР БИР ТУМАНДА БИТТАДАН БОҒЧАДА ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ ГУРУҲИ ОЧИЛАДИ.**

**1** сентябргача **954** та мактабда инклюзив синф ташкил қилиниб, **1800** нафар ногиронлиги бор бола таълим олиши учун шароит яратилади.

Харакати чекланган болаларга мактабга келиб-кейтиш харажатини **75** фоизини қоплаш тизими жорий қилинади;

Ментал ва жисмоний нуқсонли бор болаларни ўқитадиган **90** та махсус мактаб кўп функцияли мактабга айлантирилади.

**► МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ТАЖРИБАСИ АСОСИДА:**

- 500** нафар бола оилавий болалар уйига жойлаштирилади ва таълим олиши учун шароит яратилади.
- Назоратсиз ва қаровсиз болалар яшashi, ўқишига ихтисослашган мактаблар рўйхати қайта кўриб чиқилади, уларда бундай болалар учун **5** фоиз квота берилади.

## ЭКОЛОГИЯ, АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ВАЗИРЛИГИ ДИҚҚАТИГА!



**ҚУРИГАН ДАРАХТ – ҚУЛАЙДИ...**

## Бобур УМАРОВ:

## "МУВАФФАҚИЯТ КАЛИТИ ҲАРАКАТДА"



## Диққат! Обуна – 2025

"Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши нашри "ADOLAT" ижтимоий-сиёсий газетасига 2025 йил учун ОБУНА давом этмоқда

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100**

# ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ янги йўналишлари

## ИМКОНЯТИ ЧЕКЛАНГАН ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ТЎЛАҚОНЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛДИ

1 Бу жараёнда ҳукуматимиз томонидан ногиронликнинг оғир турларига дучор бўлган болаларга ғамхўрлик кўрсатиш масалалари сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқилгани эътирофга лойиқ, албатта. Чунинчи, Республика буйича 66 та иктисослаштирилган мактабгача ва мактаб таълим ташкилотларида ногиронликнинг оғир турларига дучор бўлган болалар учун "Ғамхўрлик" гуруҳлари ташкил этилди. Мазкур гуруҳларга 500 дан ортиқ оғир турдаги ногиронлиги бўлган болалар йўналтирилди.

Ушбу болаларнинг "Ғамхўрлик" гуруҳларига қатнаши натижасида уларнинг ота-оналари ёки ўрнини босувчи шахсларга ижтимоий ҳордиқ олиш ва бирор-бир фойдалани мекнат фаолияти билан шугулланиши имконияти яратиб берилди.

"Ғамхўрлик" гуруҳлари ҳар бир боланинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, тарбиялаш ва жамиятга мослашишида оилаларга ёрдам бермоқда.

Уй-жойга муҳтож етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни уй-жой билан таъминлаш тизимининг самарадорлиги оширилди. 2021 йилдан 2024 йилнинг бугунги кунига қадар 2481 та етим бола ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар давлат томонидан уй-жойлар билан таъминланди (Ушбу эзгу ишларни амалга ошириш учун 418 миллиард 988 миллион сўм маблағ ажратилган эди. Жорий йилда 775 нафар бола уй-жой билан таъминланди ва йилнинг сўнгига қадар яна 15 нафар боланинг тураржой билан таъминланиши режалаштирилган.

Бу мавзуда гап кетаркан, яна бир бор ҳаммаси учун оғриқли бўлган масаланинг самарали ечими борасида қилинган ишларга алоҳида тўхталиб ўтмасак бўлмайди. Амалга оширил-

ган изчил саъй-ҳаракатлар натижасида таъйиқ ва зўравонликка учраган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш амалиёти тубдан ўзгартирилди. Таъйиқка учраганларга уч босқичли "маҳалла-туман-вилоят" тамойили асосида комплекс ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими жорий қилинди. Эндиликда таъйиқ ҳолати доимий ўрганилиб, кузатиб борилади, ҳимоя ордери талаб қилмасдан ижтимоий хизматлар кўрсатилади, ариза талаб этмаган ҳолда бошлана ва чуқур реабилитация қилиш учун психологик ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатилади.

Шу билан бир қаторда, ижтимоий нафақаларни тайинлаш тизими такомиллаштирилиб, адолат тамойилларига амал қилинмоқда. Жумладан, кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш тизими 2024 йил 1 январдан бошлаб Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тасарруфига ўтказилди.

"Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали 1 208,8 мингга кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинланди.

Шунингдек, иситиш мавсумида табиий газ учун – ойига базавий меъёрдан ортиқ фойдаланилган 250 куб метрга; электр энергияси учун – ойига базавий меъёрдан ортиқ фойдаланилган 150 кВт соатгача истемол учун компенсация қилиб бериш тизими жорий этилди.

Албатта, ногиронликнинг оғир турларига эга бўлган фуқароларга доимий ғамхўрлик кўрсатиш жараёнида сиёсий партияларнинг ҳам масъулияти катта эканидан келиб чиқиб, партияимиз томонидан ўтган давр мобайнида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, партия имконияти чекланган юртдошларимизнинг ижтимоий маъфеини ошириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, билим олиш ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишлари учун янги таҳрирдаги Бош қонуннинг аудиокитобини тайёрлади. Бу улар учун ҳуқуқий билим ва ахборот манбаларини етказишнинг қулай усуллари яратилишини кўллаб-қувват-

лаш доирасида замонавий технологиялардан унумли фойдаланиши, интерактив юридик адабиётларга бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу йўл билан кўзи оғирлар давлат қонунлари ва ҳуқуқларини тўлиқ ўрганиб, ўзлари учун зарурий билимларга эга бўлишлари мумкин. Бу эса уларнинг жамиятда фаоллигини ошириб, ижтимоий ролини янада кенгайтиришга ёрдам беради.

Шу билан бирга, партияимиз жорий йилнинг 27 октябрида бўлиб ўтган мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим тадбир – маҳаллий вакиллик органлари сайлови кампаниясида ўз Сайловолди дастурини брайл алифбосида ҳам чоп этиб, кўришда нуқсон бор ҳамюртларимиз орасида партиянинг келгуси беш йилликдаги истиқболли режа ва мақсадларини фаол тарғиб қилди.

Чунинчи, партияимиз ўзининг 2025-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида ҳам бу йўналишга алоҳида аҳамият қаратиб, "биринчи гуруҳ ноэиронлиги бор фуқароларни кўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимояни кучайтириш", "пиёдалар йўллари ва жамоат жойларида ногиронлар учун қулай шароитлар яратиш", "ноэирон фарзандли оилаларга тиббий ва реабилитация хизматларини тўлиқ таъминлаш" каби ижтимоий ҳимояни кучайтириш ва имконияти чекланган фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган аниқ чора-тадбирларни илгари сурган.

Яна бир эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳат. Партияимиз ташаббус асосида ҳар йили 3 декабрь – Халқаро ногиронлар кунини муносабати билан республика Қон куйиш маркази ва унинг ҳудудий филиалларида "Бор меҳримиз сенга, болажон!" шiori остида бегараз донорлик акцияси ўтказилиб келинмоқда. Қонга муҳтож бўлган бемор болаларнинг ҳаётини сақлаб қолишда донорликнинг роли катта эканлигини англаган кўнглилилар ҳар йили ушбу акцияда фаол иштирок этиши аънаънага айланган.

Бу хайрли ташаббуснинг бош мақсади – тиббий ва ижтимоий ёрдамга

муҳтож инсонларни кўллаб-қувватлаш, фуқароларни ихтиёрли равишда қон топиришга ундаш орқали оғир касалликка чалинган болаларнинг ҳаётини сақлаб қолиш билан бирга жамиятда меҳр-оқибат ҳамда инсонийлик ғояларини мустаҳкамлашдир. Бу йил ҳам ана шу аънаъна давом этди. Натижада акция жараёнида саховатпеша кўнглилилар сафи янада кўпайди, яна бир бор меҳр-саховат ва инсонийликнинг нечоғлиқ қадри экани намоён бўлди.

Айниқса, ушбу хайрли акциянинг Республика буйлаб барча ҳудудларда ўтказилиши тиббий-ижтимоий кўмакга муҳтож болаларни кўллаб-қувватлашга, фуқароларни кўнглили равишда қон топиришга чақиритишга ва бу орқали бемор болаларнинг ҳаётини сақлаб қолишга, жамиятда эса инсонпарварлик ва меҳр-оқибат ғояларини тарғиб этишга хизмат қилади.

Жорий йилда партия ташаббуси билан Республика миқёсидаги ўтказилган акцияларда жами 3978 нафар донор иштирок этиб, 1 тонна 706 литр 8 миллиграмм қон йиғилди ва йиғилган қонлар 7956 нафар қонга муҳтож болажонлар ҳаётини сақлаб қолиш учун ишлатилди. Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Ўтган ҳафтада Президентимиз расмийда бўлиб ўтган ижтимоий ҳимоя соҳасидаги натижадорлик ва келгуси вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилишда мамлакатимиз аҳолисининг эҳтиёжманд қатламини кўллаб-қувватлаш, инклюзив таълим сифатини янада юксалтириш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш буйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширишга доир устувор йўналишлар белгилаб берилди. Бу ҳам мазкур соҳадаги ислохотларнинг орта қайтмаслиги, изчил ва самарали давом этишининг яққол намоён бўлишидир.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ижтимоий ҳимояни кучайтириш, ҳар бир фуқарога тенг имкониятлар яратиш ва уларни сифатли таълим ва ижтимоий хизматлар билан таъминлаш учун бундан кейин ҳам бор куч ҳамда имкониятларини ишга солиб фаолият кўрсатади.

### Муносабат

Маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш буйича Президентимиз расмийда ўтказилган йиғилиш мамлакатимиздаги ижтимоий сиёсатнинг янада самарали йўналишини белгилаб берди. Бу жараёнда банк хизматларининг маҳалла даражасига туширилиши муҳим ижтимоий ўзгаришларга сабаб бўлгани таъкидланди.



## Аҳоли фаровонлигини ошириш учун ЕТАРАЙ САЛОҲИЯТ БОР

Мақсуд ҚУРБОНБОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
"Адолат" СДП фракцияси аъзоси

Хусусан, Сайхунбод, Уйчи, Зарбдор ва Гиждувон туманларида тадбиркорлик муҳити тубдан ўзгариб, аҳолининг даромадлари ошди. Уйчи туманида 3 минг 200 фаол миқоз банклар кўмагида муаммоларини ҳал қилиб, 9 мингга яқин аҳоли доимий ишга бўлди. Камбағаллик даражаси эса 6 мингга камайти. Сайхунбоддаги 3 мингдан ортиқ хонадонда тадбиркорлик лойиҳалари йўлга қўйилиб, 12 мингдан эъди аҳоли ўз томорқасидан даромад топишни бошлади.

Йил бошидан буён тажриба доирасида 3 миллион 300 мингдан зиёд аҳоли доимий даромад манбаига эга бўлди. Бунда хонадонларнинг ойлик даромади ўртача 7,5 миллион сўмдан 10,5 миллион сўмгача ошгани қайд этилди. Бошқа ҳудудларда ҳам шундай ижобий ўзгаришлар кузатишмоқда. Хўжайли, Асака, Вобкент, Янгиер каби 57 та туманда ҳокимлар, банклар ва ҳоким ёрдамчилари биргаликда иш олиб бориб, ишсизлик даражаси 5 фоиздан пасайди.

Президентимиз йиғилишида маҳалла даражасида янги ва аниқ вазифалар белгилади. Камбағалликни қисқартиришда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш устувор йўналиш сифатида белгиланди. Оилавий тадбиркорлик дастури доирасида ишончли миқозларга "Кичик бизнесни кўллаб-қувватлаш" дастури асосида 300 миллион сўмгача шартсиз кредит ажратиш имконияти яратилади. Бундай дастурлар аҳолининг молиявий мустақиллигига эришишида муҳим қадам бўлади.

Мисол учун, уйда новвойхона очиб, кичик бизнес билан шугулланаётган тадбиркор ойлик айланмаси 70 миллион сўмга, унда ўртача 3 та иш ўрни яратилган ва ишчилар маоши 1,5-2 миллион сўмга тенг, дейлик. Шундай ҳолда унга қўшимча равишда 300 миллион сўм шартсиз кредит берилса, унинг айланмаси камида 4 баробар ошади ва ишчилар сонини 10 нафарга етказиш мумкин. Энг муҳими, шартсиз кредит ёрдамида уларнинг маошини ўртача 4 миллион сўмгача ошириш имкони бўлади. Эътиборли томони 7 нафар фуқарони иш билан таъминлаш имконияти бор.

Йиғилишда жаҳон иқтисодий ҳаётининг мураккаб вазиятларга қарамай, миллий иқтисодий имкониятини сақлаш ва аҳолини камбағалликдан чиқариш буйича ҳаракатлар тизимини янада кучайтириш муҳимлиги қайд этилди. Бу фақат давлат органлари ёки банкларга эмас, балки барча раҳбарлар, депутатлар ва жамоат ташкилотлари зиммасига жиддий масъулият юклайди.

Мазкур йиғилиш халқимизга яна бир нарсани яққол англади: мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг турмуш даражасини яхшилаш, уни даромадли қилиш – давлат сиёсатининг марказида туради. Ижтимоий адолатга асосланган бундай ёндашуви кўллаб-қувватлаш ва унинг ижросида фаол қатнашиш эса ҳар бир инсоннинг, шу жумладан, биз, парламент вакиллари-нинг ҳам асосий бурчимиз, деб ҳисоблаймиз.

Зеро, ҳар бир депутат ушбу жараёнда ўзи сайланган округда аҳолини камбағалликдан чиқариш учун қабул қилинаётган тегишли қонун ва қонун-отаси ҳужжатлари мазмун-моҳияти, уларнинг амалиётдаги аҳамиятини нафақат кенг тушунириши, балки ўзи ҳам мазкур чора-тадбирларнинг ижро этилишида фаол қатнашиши зарур.

## АЙРИМ НОРМАЛАР янги таҳрирдаги Конституциямизга мувофиқлаштирилмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида "Судларнинг фаолиятига онд конституциявий кафолатлар кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш, фуқароларнинг одил судловга ишончини мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, янги таҳрирдаги Конституция билан суд органларининг фаолиятига, шунингдек, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор кафолатлар белгиланди. Олий судга ҳамда унинг ваколатлари тааллуқли янги нормалар киритиш назарда тутилди. Бу эса Олий суд фаолиятини янада ёндашув асосида ислоҳ қилиш заруратини талаб этмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан "Судлар тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида"ги қонунлар нормалари Бош қонунимизга мувофиқлаштирилди. Шунингдек, қонун лойиҳаси

судьяни муайян ишнинг муҳокамасида четлаштиришга ёки унинг ваколатларини тўхтатиб туришга, бошқа лавозимга ўтказишга фақат қонунда белги-ланган тартибда ва асосларга кўра йўл қўйилишига доир норма билан тўлдир-рилмоқда.

Депутатлар қонун лойиҳаси юзидан ўз фикр-мулоҳазаларини билди-ришди. Қайд этилганидек, қонун лойи-ҳасининг сақлиб қилиниши Асосий қо-нунимизнинг сўзсиз ва тўлиқ амалга оширилишини, одил судловни амалга оширишда унинг нормалари тўғри-дан-тўғри қўлланилишини ҳамда дав-лат органлари фаолияти янгича кон-ституциявий-ҳуқуқий шароитларда йўлга қўйилишини таъминлашга хиз-мат қилади.

Йиғилишда бошқа қонун лойи-ҳалари ҳам кўриб чиқилди ва кўл-лаб-қувватланди.



## Partiya goylari qonunchilikda ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда «Аҳолининг маданий ҳордиқ ва дам олиш масканлари муҳофазаси кучайтири-лиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қў-шимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидлаш жоизки, жорий йил 18 ноябрь кунини ўтказилган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи ташкилий мажлисида давлатимиз раҳбари партияларнинг сайлов кампанияси давомида илгари сурган ва халқимиз кўллаб-қувватла-ган ҳар бир таклиф, албатта, кўриб чиқиши ва амалга оширилишини таъкидлар экан, бу бо-рада "Адолат" социал-демократик партиясининг истироҳат боғлари, сайилгоҳ, хиёбонларни хусу-сийлаштиришни тақиқлаш буйича позициясини кўллаб-қувватланганди.

Шу муносабат билан, ўтган вақт мобайнида пар-тия мазкур масала буйича биринчи қадамни қўйиб, тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқди. Бу қо-нун лойиҳаси Қонунчилик палатасидаги ялпи маж-лисда ва фракциялар йиғилишида қизғин муҳокама қилиниб, асосли таклифлар ва натижадор тавсия-лар асосида янада такомилга етказилди. Йиғи-лишда депутатлар ва ташаббус жамиятининг кенг қатламлари томонидан ижобий қарши олинганини таъкидлашди.

Йиғилишда қайд этилганидек, сўнгги йилларда давлат мулки ҳисобланган, умумий фойдала-нишдаги маданий ҳордиқ масканларида иншоотлар қуриш, боғлар ҳудудини қисқартириш ёки уларни хусусийлаштириш ҳолатлари кенгайиб бораётгани жамоатчиликда асосли эътирозларга сабаб бўл-моқда. Бу жараён кўп йиллик дарахтларнинг кеси-лиши, атроф-муҳит ифлосланиши ва экология ҳо-латининг ёмонлашувига олиб келмоқда. Шу боис партия ишлаб чиққан қонун лойиҳаси маданий ҳор-диқ масканларини ҳуқуқий жиҳатдан янада қатъий муҳофаза қилишни кўзда тутади.

Лойиҳада «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд-лар тўғрисида»ги, «Қишлоқ ҳўжалигига мўлжаллан-маган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғри-сида»ги, «Давлат мулкни бошқариш тўғрисида»ги қонунларга, шунингдек, Жиноят ва Ер кодексларига тегишли қўшимча ва ўзгаришлар киритиш на-зарда тутилган. Унга кўра, маданий ҳордиқ маскан-лари ерларини бегоналаштириш, уларни қисқарти-риш ёки бино-иншоот қуриш қатъий тақиқланади.

Бу билан боғлар, хиёбонлар, сайилгоҳлар ерла-рининг яхлитлиги сақланади, тарихий-шаҳарсоз-лик муҳити муҳофаза қилинади. Шу билан бирга, бу каби ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун жиноий жавобгарликни кучайтириш таклиф қилин-моқда.

Йиғилишда партия вакиллари жамоатчилик ушбу ташаббусини ижобий қабул қилаётганини бил-диришди. Қонун қабул қилинган, мамлакатда ма-даний ҳордиқ масканлари ва яшил ҳудудларни сақлаб қолиш, атроф-муҳитни яхшилаш ҳамда эко-логия мувозанатини таъминлаш борасида ҳуқуқий асослар янада мустаҳкамланади.

Шунингдек, қонун лойиҳасини тайёрлаш жара-ёнида хорижий тажриба ҳам ўрганилгани таъки-дланди. Германия, Испания, Австралия, Япония, Ка-нада каби давлатлар қонунчилигида кўзда тутил-ган муҳофаза механизмлари мазкур лойиҳанинг мукамал бўлишига хизмат қилган.

Йиғилиш якунида «Адолат» СДП фракцияси вакиллари маданий ҳордиқ масканларини хусу-сийлаштириш ва ушбу ҳудудлардаги қурилиш-ларнинг чеклаш буйича тегишли қонунчилик та-шаббусларини кўллаб-қувватлашини яна бир бор қайт этиб, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши орқали жамоатчилик эътирозига са-баб бўлаётган муаммоларга барҳам берилишига ишонч билдирдилар.

Фракция йиғилиши

22 декабрь – Энергетиклар куни

Қутлаймиз!



# Ҳар бир хонадонда "МИТТИ ҚУЁШ" ПОРЛАБ ТУРСИН

Кундуз кунлари қуёш, тунда ой шуъласидан баҳраманд бўлиб яшаган аждодларимиз шу икки мўъжизани олиб келиб, ўз уйини иситиш ва ёритишни орзу қилган. Ана шу орзуга етгунга қадар инсоният олис йўлни босиб ўтди. Тун зулматини ёритиш ва қиш совуғидан асраниш учун дастлаб оловдан фойдаланган бўлса, сўнгра шам ва чирокни ихтиро қилди. Охир-оқибат аждодлар орзуси ушалди, ҳазрати Инсон улкан қуёшнинг бир бўлагини ўз хонадонига олиб киришга муваффақ бўлди.

## Муҳиддин ИМОАДИЕВ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси

Электр кашф этилгани туфайли ер юзиде тараққиёт жадаллашиб кетди. Одамлар қўл меҳнатидан халос бўлди: узоқ йўли яқин, оғир юки енгил бўлди.

Юртимизда қуёшли кунлар давомийлиги 270 кунга қадар қўзилишини ва нур узлуksизлиги 3000 соатдан ошишини эътиборга олсак, ундан олинган электр қуввати биз учун ҳар жиҳатдан манфаатли ҳисобланади.

Айни пайтда халқимиз атроф-муҳитга зарарсиз бўлган қуёш панелларидан ўз мақсадлари йўлида фойдалана бошлади. Бу борада Наманган вилояти илғорлар қаторида бормоқда. Айни дамда вилоятда кичик станциялар сони 4000 тадан ошиб, қарий 32 мегаватт миқдорда энергия истеъмол қилинмоқда. Бунда ижтимоий соҳалар, айниқса, тадбиркор ва хонадон эгалари улуши ортиб, улар узлуksиз энергиядан баҳраманд бўлишмоқда.



Яқинда бошқа вилоятлар қатори Поп туманининг "Қўшминор" маҳалласи ҳудудиде жойлашган "NEXT SOLAR ENERGY GROUP" қўшма корхонасининг биринчи босқичи ишга туширилиб, 1 миллиард 100 мегаватт "ашил" энергия ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бугун вилоятнинг 614 мингдан ортиқ хонадон ва 31 минг улгуржи истеъмолчиси 35-110 кВ қулашилши 210 та подстанция, 7 минг 397 та трансформатор пункти ҳамда 22 минг километрдан зиёд узунлигида 0,4-110 кВли электр узатиш тармоғи орқали электр энергияси билан таъминланмоқда.



Байрам арафасида куйинчак партиядошимиз, Янги Наманган туман ҳудудий электр тармоқлари бошлиғи, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Адҳамжон ҲАМРАЕВ билан учрашиб, энергетика соҳаси, бугунги кунда бу борада Янги Наманган туманида амалга оширилаётган ишлар билан қизиқдик.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2025 йилнинг "Атроф-муҳитни асраш ва яшил" иқтисодиёт йили" деб эълон қилинган ҳам бежиз эмас. Йил якунланаётган пайтда энергетика соҳасида яна бир муҳим қадам қўйилди. Президент 18 та "яшил" энергетика мажмуасининг ишга туширилишига ва 6 тасининг қурилишига руҳсат берди. Бу, албатта, энергияга бўлган эҳтиёжни қондиришга хизмат қилади. Чунки аҳоли сонининг ўсиб бориши ҳамда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, даволаш ва таълим тармоқларининг ортиб бориши энергияга бўлган талабни ҳам ошироқда.

Декабрь ойининг 22-санаси энг қисқа кун ва энг узун тун сифатини олган. Чунки шу кун сайёрамизнинг бош энергетиги — Қуёш бизга энг кам ёруғлик ва иссиқлик улашади. Демак, шу кун электр қуввати истеъмолчи бўлган талаб энг юқори даражага кўтарилади ва бу ҳолат энергетиклар учун масъулият ҳиссини оширади. Соҳа вақиллари ушбу дахлдорликни ҳис этган ҳолда ишга масъулият билан ёндошадилар ва узоқ тунни бедорликда ўтказишади. Шундай бўлишига қарамай, 22 декабрь улар учун кадрли ва рамзий маънода байрам кунни этиб белги-ланган. Демак, қувончли лаҳзаларда ҳам машаққатли ва шарафли касб эгалари истеъмолчилар олдидаги мажбуриятни икки қарра ҳис этган ҳолда ҳар қандай мураккаб ишга шай бўлиб турадилар. Чунки энергетиклар Ватан сарҳадларида, ҳар бир хонадонда инсон зақоси билан ихтиро қилинган "митти қуёш" хамиша порлаб туришини чин кўнгилдан хошлайдилар.

Бизнинг ҳудудий электр тармоғи 36 минг 882 та хонадонга ва 1720 дан ортиқ улгуржи истеъмолчига хизмат кўрсатади. Туман тасарруфида 12 та подстанция, 743,2 км. 10-6-0,4 кВ. электр узатиш тармоғи ва 426 та трансформатор пунктлари мавжуд.

Жорий йилнинг куз-қиш ойларида барча иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий иншоотлар ҳамда аҳолини узлуksиз электр энергияси билан таъминлаш мақсадида кўплаб ишлар амалга оширилди. Жумладан, Президентнинг "2024 йилда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш бўйича етти та маҳалла фуқаролар йиғинида 796 та темир-бетон таянчлари ўрнатилди, 38,1 километр электр узатиш тармоғи торти-либ, 14 та трансформатор пунктлари ишга туширилди. 213,2 километр ма-

## Шифокор сафдошимиз – ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Андижонлик "адолатчилар" орасида шифокорлар кўпчиликини ташкил этади. Партиявий ишларда фаол сафдошларимиз ўз соҳасининг ҳам чинакам эгаси. Андижон давлат тиббиёт институти травматология, ортопедия ва нейрожарроҳлик кафедраси мудири Қобил Турсунов ана шундай фаоллардан бири.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Республика тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси томонидан эълон қилинган "Йилнинг энг яхши шифокори" танловида партиядошимизнинг меҳнатлари ўз баҳосини олди. У "Йилнинг энг яхши нейрохирурги" номини яси ғолиби бўлди.

– Тажрибали шифокор ва партия фаоли сифатида фаолияти чиндан ҳам эътироф этишга арзийди, – дейди "Адолат" СДП Андижон вилоят кенгаши раиси Мадамжон Мадазимов. – У жамоатчилик орасида соғом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида ҳам ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда. Депутатлик унинг зиммасидаги масъулиятни янада оширди. Ишонимизки, келгусида кўплаб ибратли ишларни амалга оширади.

Яқинда халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши депутати этиб сайланган Қобил Турсунов аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданиятини юксалтиришда бир қатор ташаббуслар билан чиқмоқда. Жарроҳлик амалиётларида ҳам тажрибалилиги билан ҳурмат қозонган.



Фаол сафдошимизни мукофот билан табриқлаймиз. Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати

## Депутат минбари Юксак шараф ва УЛКАН МАСЪУЛИЯТ



Жорий йил 27 октябрда ўтказилган депутатлик сайловларида халқ депутатлари Пахтакор туман Кенгаши депутати этиб сайландим. Албатта, бу мен учун юксак шараф ва шу билан биргалликда улкан масъулиятдир. Депутат ҳамма вақт халқнинг бугуни ва эртасини ўйлаши, фидойилар сафининг олдинги қаторида туриши, халқнинг ишонган вакили, ҳақ-ҳуқуқи ва манфаати ҳимоячиси бўлиши керак.

Бизнинг олдимизда кейинги беш йилда катта масъулият ва халққа берган ваъдаларимизни бажариш вазифаси турибди. Уларнинг ишончини оқлаш учун амалий ишларимизни кўрсата олишимиз керак. Депутатлик бу мартаба эмас, балки халққа кўмакчи бўлиб, аҳолини ўйлантираётган муаммоларни чуқур ўрганадиган, ечимини топишда фаоллик кўрсатадиган заҳматли меҳнатдир.

Сўнги пайтларда давлат раҳбари айнан депутатларга қарата кўп мурожаат қилапти. Президент демократия учун, тараққиёт учун, фарзандларимизнинг келажак учун депутатларнинг фаол бўлишини кутаяпти. Халқнинг меҳрини қозониш, ишончини оқлаш осон эмас. Бунинг учун депутат доим одамлар орасида бўлиши, мавжуд муаммоларга ечим топиши керак бўлади.

Жиззах вилоятида "Адолат" СДПдан сайланган депутатлар орасида энг ёш депутатлардан бириман. Тўғриси, бу мен учун ҳаяжонли ва шу билан биргалликда зиммага катта масъулият юклайди. Депутатлик фаолиятим давомиде қонунийлик, ижтимоий адолат, сайловчилар олдидаги масъулиятни қамшига ҳис қилиш, очкичлик ва ҳисобдорлик, ҳалол, тўғрисиқ, фаоллик ҳамда ҳозиржавоблик тамойилларига таянган ҳолда иш олиб бормоқчиман. Шунингдек, ўз Сайловолди дастуримга амал қилиб, сайловчиларга берган ваъдаларимни бажаришга ҳаракат қиламан. Мен, энг аввало, сайлов округи ҳудудида ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар рўйхатини шакллантиришга ва уларга ваколатим доирасида ечим топишга эътибор қаратмоқчиман. Шу билан биргалликда, халқнинг сиёсий фаоллигини ошириш, хотин-қизлар ҳамда ёшлар масалаларига алоҳида эътибор қаратишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман.

Депутатлик фаолиятимни бошлашда "Адолат" социал-демократик партияси билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, ўз иш режими партия билан келишган ҳолда ишлаб чиқдим. Мен бежиз бу партияди талламаганман. Менга партиядининг мақсад ва вазифалари, Сайловолди дастурида илари сурган ғоялари ва муҳим ташаббуслари, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу билан биргалликда, партиядининг бир қатор лойиҳалари жуда маъқул келган. Бугун халқнинг ишончига сазовор бўлиб, қўшма депутатлик нишонини таққан ҳар бир депутат, жамият тақдирига масъулдир.

Дилчехра ЭРГАШЕВА, Пахтакор туман Кенгаши депутати, "Келажак бунёдкори" медали соҳиб



Муносабат

# КЕЧИРИМЛИК — халқимизга хос фазилат

Бахт тушунчасини ҳар ким ҳар хил тасаввур қилади. Кимдир уни тинчлик-хотиржамлик ёки сиҳат-саломатликда, бошқа биров оила, дўстлар, яхши даромадли ишда, деб билади. Умуман, бахт ҳақида гап борганда, ҳар ким уни ўз дунёқараши, тафаккури, қаричи билан ўлчайди. Маҳқумликдаги одам учун эса озодлик, оиласи бағрида бўлиш энг катта бахт саналади.

## СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ ЧИНАКАМ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ЯНГИ ТИЗИМ

Мамлакатимиз ҳаётида, сиёсий фаолиятида ўта муҳим, тарихий воқеалар юз бераётганлигини халқимиз, ҳар биримиз кўриб, билиб турибмиз. Давлатимиз раҳбари миллий парламентимизнинг қуйи ва юқори палаталарида, мамлакат Бош вазирини лавозимга тавсия этиш жараёнида кенг қамровли маърузалари билан қатнашганлигидан, уч кун мобайнида қатор ҳаётий, жиддий масалалар илгари сурилганидан хабардормиз. Мен шу юрт фарзанди, халқимиз келажига бефарқ бўлмаган оқсоқол амалиётчи ҳуқуқшунос сифатида ушбу воқеаларни диққат билан кузатиб, келгуси беш йилликда олдимизда турган вазифаларни ўзим учун ён дафтаримга ёзиб олдим.

### Убайдулла МИНГБОЕВ, Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

Навбати билан мазкур йиғилишлардан олган хулосаларимга тўхталсам. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг сайловдан кейинги биринчи мажлисида иштирок этган Президентимиз депутатларга қарата уларнинг бундай шарафли мақомга эришишида мард ва опижаноб халқимизнинг юксак ишончи ва ҳурматининг ифодаси муҳим омил бўлганини қайд этди. Қонунчилик палатаси олдида турган янги вазифалар, ўтган даврда йўл қўйилган айрим камчиликлар, шу билан бирга, аввалги қақриқда фаолият юритган депутатларнинг ютуқларига ҳам рўйи рост баҳо бериб ўтди.

Энди парламентни чинакам "халқ уйи"га, унинг қуйи палатасини ғоялар генераторига, соғлом рақобат юритиладиган, баҳс ва мунозаралар қилинадиган майдонга айлантириш борасида фикрлар билдирди. Сиёсий партияларнинг сайлов кампанияси давомида илгари сурган ва халқимиз қўллаб-қувватлаган тақлифлари, албатта, кўриб чиқиши ва амалга оширилиши лозимлигини уқтирди. Энг қувонарлиси, бундан буюғига фуқаролик жамияти институтлари билан мулоқотни кучайтириш мақсадида қуйи палатанинг ҳар бир кўмитаси ҳузурида уларнинг вакилларидан иборат жамоатчилик кенгашлари тuzилмайдиган бўлди.

Таркиби ихчамлашиб, ваколати ва масъулияти бир неча баробар ошган сенаторлар билан бўлиб ўтган йиғилишида ҳам юқори палата олдида турган долзарб вазифаларга эътибор қаратилди. Қонунларни муҳокама қилишда янгича механизмларни жорий қилиш зарурлиги, қонун ижодкорлиги жараёнларига маҳаллий кенгашларни кенг жалб этиш, ҳар бир қонун бўйича маҳаллий кенгашлар фикрини инобатга олиш

амалиётини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга экани, уларнинг фаолиятига кўмаклашиш Сенатнинг устувор вазифаси бўлиши кераклиги таъкидланди. Бунда Сенат кўмиталарини юқори палатанинг юраги ва ҳаракатлангирувчи кучига айлантириш тақлифи киритилди.

Муҳим тарихий янгиликлардан яна бири – суд ҳоқимиятини чинакам мустақиллигини таъминлашга хизмат қилиш мақсадида Судьялар олий кенгашининг барча аъзоларини Сенат томонидан сайлаш тизими йўлга қўйилмоқда. Бунда Сенат фақат номзодларни тасдиқлаш билан чекланиб қолмай, улар фаолияти билан танишиб, хулоса бериб боради. Бундан кўриниб турибдики, суд ҳоқимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, кадрлар, уларнинг иқтисоди ва таъминоти масаласи Сенат даражасига олиб чиқилмоқда.

Ҳа, ҳақиқатан, парламент ва ҳукумат фаолиятида янгича ишлаш, халққа садақат билан хизмат қилиш даври келди. Бу янги Ўзбекистон давридир. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида айтиш шуниси масала кўтарилди. Унда Президентимиз томонидан Бош вазир лавозимига Абдулла Ариповнинг номзоди тақдим этилди. Абдулла Арипов Вазирлар Маҳкамасининг яқин мuddатга ва узок истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини баён қилди. Бош вазир лавозимига номзод сиёсий партиялар фракциялар раҳбарлари ҳамда депутатларнинг фикри ва яширин овоз натижаларига кўра маъқулланди.

Уч кунлик сиёсий жараён давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери, Сенати раиси ва уларнинг ўринбосарлари, кўмиталар раислари ҳамда Бош вазир номзоди маъқул-

ланди. Вазирлар Маҳкамаси таркиби шакллантирилди.

Президентимизнинг бир-бирини узвий давом эттирган маърузалари барча ҳоқимиятлар, соҳалар, давлат идоралари ва жамоатчилик институтлари учун тайёр "йўл харитаси" демакдир. Ўйламанки, ундан, яъни дилдан айтилган, қуйиниб билдирилган фикрлардан оқилона фойдаланилса, олдимизга қўйган мақсадларимизга, албатта, эришамиз.

Халқимиз фаровонлиги, давлатимиз тинчлиги йўлида қайғуриш шуниси билан тарихийки, бундай ҳисни ҳеч биримиз бугунга қадар комплекс тарзда туймаган эдик. Шунинг учун давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ҳар бир ғояни ўз халқига, ватанига меҳри ва садақати билан қаҳрамонона амалга оширган ҳаракат, деб аташа бўлади.

Қанчадан-қанча чиғириклардан омон-эсон ўтиб келган халқимизда бир ҳаётий ҳикмат бор: "Бирлашган ўзар...". Биз мамлакатимизнинг тинчлиги ва барқарорлиги йўлида бир мақсадда бирлашган халқимиз. Бажараётган ҳар бир амалимизда, теран фикримизда, ҳатто зикримизда ҳам Президентимиз атрофида бирлашиб, юртимизга содиқ хизмат қилмоқдамиз. Давлатимиз раҳбари ҳам ҳеч бир ҳолатни назардан четда қолдираётгани йўқ. Ўзбекистонимизни дунёга танитиш борасида бетиним ҳаракат қилмоқда. Давлат таърифи билан қаерга борса, янги бир ташаббусни илгари суриб, ўша давлатларнинг раҳбарлари томонидан ташаббускор лидер сифатида тан олинаётганидан хабардормиз. Буларнинг барчаси ўз халқига меҳрибонлигидан, мамлакат фуқаролари манфаатини кўзлагандандир.

Парламент аъзоларининг вазифасига киришиш ҳамда ҳукумат раҳбарини сайлашга бағишланган йиғилишни диққат билан кузатиб, янги Ўзбекистонимизга монанд содир бўлаётган ўзгаришларга беларво бўлмаган оқсоқол ҳуқуқшунос сифатида битта тақлиф билдирмоқчиман: Президентимизнинг маърузалари тўлланиб, яхлит китоб ҳолатига келтирилса.

Чунки мазкур маърузаларда давлат ҳоқимияти органлари, ижро ҳоқимияти, жамиятимизнинг ижтимоий ҳаётида ўз бераётган воқеалар, ёшлар, таълим ва ногиронлиги бор шахслар ҳусусида ажойиб фикрлар билдирилди. Чоп этилган ушбу китоб ҳар бир давлат идоралари раҳбарлари, мансабдор шахслар, қорхона ва ташкилотлар, ўқув юртлари ҳамда жамоат ташкилотлари раҳбарлари иш столида бўлиб, мазмун-моҳияти янада кенг тарғиб қилиб борилса, асл мақсадга эришамиз, албатта.



### Мавлуда АТХАМЖОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

Шу боис сўнги йилларда адашиб жиноят йўлига кирган ва содир этган қилмишдан чин дилдан пушаймон бўлган инсонларга яна бир бор имкон бериш, уларни тўғри йўлга, оиласи бағрига қайтариш давлатимиз олдида турган муҳим масалалардан бирига айланади. Зеро, адашганлар ҳам шу мамлакат фуқароларидир.

Қолаверса, инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича Асосий қонунимизда муҳрлаб қўйилган устувор тамойилларни ҳаётга изчил татбиқ этиш борасида юртимизда кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг "Ҳазо мuddатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги фармони фикримизнинг тасдиғидир.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 32 йиллиги муносабати билан билиб-билмай жиноят содир этган, ҳозирги вақтда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган, жазо мuddатини ўтаётган 483 нафар шахс афв этилди. Уларнинг 25 нафарини чет эл фуқаролари, 32 нафарини аёллар, 5 нафарини 60 ёшдан ошган эркеклар, 274 нафарини ёшлар (шулардан, 104 нафари вояга етмаганлар) ҳамда 6 нафарини тақчилланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этди.

Бу юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг, халқимизга хос бағрикенглик, кечиримли бўлиш, опижаноблик ва меҳр-мурувват кўрсатиш каби эзгу фазилатларнинг намоён бўлишидир.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шугулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш биз, халқ вакиллари бўлган депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Айниқса, афв этилганларнинг яримдан кўпини ёшлар ташкил этиши бу масъулиятни икки ҳиссага оширади. Зеро, ёшларимиз эртагина эгалари, келажимиз бунёдкорларидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Адолат бу – давлатчиликнинг мустаҳкам пойдеворидир. Адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда эса суд ҳоқимияти ҳал қилувчи ўринни эгаллайди», деб суд-ҳуқуқ иш-оқотларининг самарали амалга оширилиши нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатиб ўтган эди.

### Алишер ЮЛДАШОВ, Фуқаролик ишлар бўйича Ўртачирчиқ туманлараро суди судьяси

Ислохотлар натижасида суд ҳоқимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳоқимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритар экан, Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун ва суд олдида тенглиги тўлалигича таъминланмоқда. Шунингдек, қорхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳам қонун ва суд олдида тенгдир.

Судьялар томонидан ишларни биринчи инстанция судига тайёрлаш босқичига алоҳида эътибор қаратилиб, ишда иштирок этувчи шахслар доираси тўғри ва тўлиқ аниқланиши, уларнинг суд муҳокамасида иштирок этишга жалб қилиниши, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланиши ўта зарур ҳисобланади.

Судьяларимиз аниқланиши лозим бўлган барча ҳолатларни ҳар томонлама, тўлиқ, синчковлик билан текшириш орқали Фуқаролик процессуал кодекси талабларига риоя қилган ҳолда қонунчиликка мувофиқ асослантирилган қарорлар қабул қилаётгани кишини қувонтиради.

Ишга тиклаш, зарарни ундириш, қурилмаларни бузиш, турар ёки нотурар жойдан кўчириш, қарз ва кредит билан боғлиқ низолар, меросга оид низолар тўғрисидаги ишларни кўришда Фуқаролик процессуал кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга тўлиқ амал қилиниши суд тизимида ижобий ўзгаришлар бўлаётганидан далолат беради.

Халқимизда "Масалахатли тўй тарқамас" деган мақол бор. Айрим низоларни ҳал этишда судьяларимиз кўпни кўрган нуруний отахонлар, маҳалла фаоллари ва меҳнат фахрийлари билан маслаҳатлашиб, уларнинг ўша иш бўйича ҳақоний кўрсатмаларини эшитиб, қарор қабул қилиши юртдошларимизнинг суд тизимига бўлган ишончини янада оширмоқда.

### Адолат тарозиси

## ЎҒИРЛИК жазосиз қолмайди

Кейинги вақтларда айрим қорхона ва ташкилотлар, аҳоли вакиллари томонидан табиий газ, электр энергияси ва ичимлик суви қонунга хилоф равишда ишлатилаётгани, очикроғи, ўғирланаётгани ҳақида кўп эшитаяпмиз.

### Акмал ЎРИНОВ, Жиноят ишлари бўйича Зомин туман суди судьяси

Ўғирлик дейишимиз бежиз эмас. Чунки қонунчилигимизда умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига тижорат мақсадларида ўзбошимчилик билан уланиш ёхуд уларнинг ҳисобга олиш асбоблари ва пломбаларига қасддан шикаст етказиш, шунингдек, ушбу қилмишларни мансабдор шахслар ёки соҳа ходимлари билан тил бириктириб содир этилган жиноят ҳолатлари ўғирлик жинояти деб баҳоланади ҳамда мазкур ҳуқуқбузарлик учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳам қўлланилиши мумкин.

Мамлакатимизда истеъмолчилар томонидан табиий газ ва электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишларга қарамасдан энергия ресурсларини талон-торож қилиш билан боғлиқ қо-

нунбузарликлар салмоғи юқориликча қолмоқда.

Аслида газ, электр ва тоза сув халқ бойлиги ҳисобланади. Сўнги пайтларда газ ва электр учун ақлли ҳисоблагичлар ўрнатилди, ичимлик суви учун ҳам шундай замонавий ҳисоблагичлар жорий этилмоқда. Бунинг самараси ўларок, аҳоли ўртасида тўлов интизоми бирмунча ошди. Бирок хусусий бизнес эгалари ва тадбиркорларни бунга кўнктириш қийин бўляпти. Кўпчиликнинг ҳақидан ҳазар қилмайдиганлар сув, газ, электрни ўғринча, демакки, хўжасизларча ишлатиб, давлат бюджетига зарар етказиш билан бирга, бу неъматларнинг тақчиллигига ҳам сабабчи бўлмоқдалар. Улар бу қилмишини амалга оширишда асосан энергия ресурслари ва сувдан ҳисоблагичсиз фойдаланиб, тармоққа ўзбошимчилик

билан уланиб ёки ҳисоблагич пломбасини бузган ҳолда кўрсаткичларини ўзгартириб, катта миқдорда зарар етказишади. Бу ишга қўл урганлар қилмиши жиноят экани, ўғирлик эканини зарарча ҳис қилмайди. «Қўлга тушмадимми – ўри эмасман», деб ўйлашади.

Жиноят ишлари бўйича Зомин туман судининг очик суд мажлисида ана шундай "уддабурон" фермер хўжалиги раҳбарига нисбатан жиноят иши кўриб чиқилди. Гап шундаки, Зомин туман электр таъминоти қорхонаси мутахассислари томонидан ўтказилган назорат тадбири давомида Зомин туманида жойлашган "Салим Норбўтаев" фермер хўжалиги раҳбари сув насосини электрга ўзбошимчилик билан улаб, ишлатиб келгани аниқланган. У осон бойлик орттириш, сув насоси орқали фермер хўжалиги ер майдонидидаги экинларни текинга сугориш мақсадида ушбу фермер хўжалигига тегишли трансформаторга ўрнатилган электр ҳисоблаш ускунасининг симларини қасддан узиб қўйиб, электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиб келган. Бу билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган "Электр

энергиядан фойдаланиш қоидалари" талабларини бузган. Ушбу ноҳўя ҳаракати билан жами 43 миллион 740 минг сўмлик электр энергиясини яширин равишда талон-торож қилган.

Судда сўроқ қилинган судланувчи Нодир Расулов (исм-фамилия ўзгартирилган – тах.) айбига тўлиқ иқроқлик билдирди. У электр энергиясидан ноқонуний равишда фойдаланганлиги учун айбдор эканини, тузилган ҳужжатларга ҳеч қандай эътирозини йўқлигини, етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини, оилавий шароитини, оиласининг ёлғиз боқувчиси эканлигини, муқаддам судланмаганлигини инобатга олиб, суддан енгиллик беришини сўради.

Судда айбланувчи Нодир Расулов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми "б, д" бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганлигида айбли деб топилди. Унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми "б, д" бандлари билан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари, яъни 3 миллион 400 минг сўм жарима жазоси тайинланди. Зомин туман электр таъминоти қорхонасига етказилган зарар тўлиқ қопланди.

Электр тармоқларига ўзбошимчилик билан уланиб олиш, электр ҳисоблагичларни "айланиб ўтиш", ҳисоблагичлар ишига таъсир кўрсатувчи воситалардан фойдаланиш, истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотларни қалбақлаштириш каби ноқонуний ҳолатларга жуда кўп дуч келмоқдамиз. Бундай жиноятлар жазосиз қолмайди, албатта.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ —  
адолат мезони

## ЭКОЛОГИЯ, АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ВАЗИРЛИГИ ДИҚҚАТИГА!



# Қуриган дарахт — қулайди...



Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2025 йил юртимизда "Атроф-муҳитни асраш ва яшил" иқтисодиёт йили деб аталди. Демак, кириб келаётган йилда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида атроф-муҳит мусоффолигини янада ошириш ва иқлим ўзгаришларининг олдини олиш масаласига кўпроқ эътибор қаратилади.

### Муҳиддин ОМАД, "Адолат" СДП Наманган вилоят кенгаши матбуот котиби

Муболага эмас, кейинги йилларда табиатни, айниқса, дов-дархатларни асрашга бўлган эътиборимиз анча ўзгарди. Ҳар бир дарахт ҳисобга олиниб, бир туп кесилган дарахт ўрнига юз туп ниҳол экиш урфга айланди. Натижада яшил майдонлар ҳажми кенгайиб бормоқда.

Бог яратиш ва дарахт экиш ота-боболаримиздан бизга мерос қолган. Фарзандли бўлган ота, албатта, ҳовлиси четига камида ўн туп терак ёки боғига ўрик, ёнғоқ, жийда ва тут эккан. Қишлоқ марказлари, гузарларга, булоқ бўйлари, ариқ, анҳор, сой ва дарёлар соҳилларига, йўллар четига, далаларга сада, кўк терак ва чинорларни экиб қолдирган. Уша ўтган замонларда экиб қолдирилган дарахтларнинг умрбоқийлари ҳали-ҳамон боболардан мерос бўлиб яшаб, яшнаб, юртимиз кўркига кўрк бағишлаб турибди. Маълум бўлишича, мамлакатимиз ҳудудига ёши юздан ошган 1014 та дарахт мавжуд бўлиб,

уларга табиат ёдгорлиги мақоми берилган. Зомин кўриқхонасида ўсиб, мева бераётган етти юз ёшдан ошган бобоёнғоқни ўз кўзим билан кўрганман. Бундан ташқари юртимиз зиёратгоҳларида минг ёш ва ундан катта бўлган чинорлар, тут дарахтлари ҳам сақланиб келинмоқда. Айтишларича, Қизилсув кўриқхонасида ёши 2 мингга етган қадимий арча дарахти бор экан.

Бироқ масаланинг яна бир муҳим томони борки, бунга жиддий ёндошилмас бўлмайди. Миллий истироҳат боғлари, сайлгоҳлар ва катнов йўллари ёқасида, шифо масканларида кўкка бўй чўзган дарахтлар орасида ёшани яшаб, қуриб қолган ёки айрим шохлари ўсишдан тўхтаб, қуриган дарахтлар бор. Улар доимо хавф солиб туради. Шамол ва ёнғинчиликлар бўлган пайтда қуриган шохлари танасидан узилиб тушиши ёки қуриган дарахтлар қулаб тушиш ҳолатлари кузатишмоқда. Масалан, хабарларда маълум қилинишича, 25 ноябрь куни



**Давалатобод туман кўп тармоқли шифохонасида қуриган икки туп арчани кўриб қолдим. Бош шифокор, халқ депутатаари туман Кенгаши депутати Тоҳиржон Дедабоевга "Шу қуриган арчалар кўзга хунук кўриняпти, уларни олдириб ташламабсиз-да", десам, у киши "Иложи йўқ, тегишли ташкилот рухсат бермаяпти", деган гапни айтди. Хўш, қуриган арчалар кимга керак? Унинг ўрнига янғисини экиб қўйса бўлади-ку!**

соат 16:30 ларда Тошкент шаҳри Яккасарой туманидаги Юсуф Хос Ҳожиб кўчасида жойлашган "Корзинка" савдо мажмуаси қаршисида "Cobalt" ҳамда "Forthing" русумли транспорт воситалари ҳаракатланиб кетаётган вақтида автомашиналар устига қуриган дарахт шохи қулаб тушган. Оқибатда "Cobalt" транспорт воситасининг йўловчиси жароҳатланиб, унга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилган. Шунингдек, май ойида ҳам шундай ҳолат юз берган. Чилонзор туманида энага томонидан болалар аравачасида олиб кетилаётган бир ёшли қизчанинг устига дарахт қулаши оқибатида бола воқеа жойида вафот этган.

Жорий йилнинг 8 декабрь куни Наманган вилоятидаги Мингбулоқ тумани Жомашўй шаҳарчаси марказидаги кўчага қуриган чинор қулаб тушгани ҳақидаги хабар тарқалди. Бахтли тасодиф туфайли одамларга шикаст етмаган ва автомобиллар таллофат кўрмаган. Аҳолининг айтишича, ўша чинор ўтган асрнинг олтиминчи йилларида экилган экан. Ундан анча аввал Норин туманида қулаган дарахт бир машинани пачоқ қилганди. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун масъуллар ҳайдовчилардан транспорт воситасини дарахтлар яқинида қолдирмаслик кераклигини айтишади. Аслида эса қутилмаган ҳодисанинг олдини олиш

учун қуриган дарахтларни ёки уларнинг ўсишдан тўхтаб қолган шохларини кесиб ташлаган маъқул. Бу ишга дахлдор бўлган Ўзбекистон экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги мутасаддилари жиддий эътибор қаратсалар, мақсадга мувофиқ бўларди. Шунингдек, баъзан яшнаб турган дарахтлар орасида қуриб қолган ёш дарахт ёки арча кўзга ташланади. **Яқинда Наманган вилоят Давалатобод туман кўп тармоқли шифохонасида қуриган икки туп арчани кўриб қолдим. Бош шифокор, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Тоҳиржон Дедабоевга "Шу қуриган арчалар кўзга хунук кўриняпти, уларни олдириб ташламабсиз-да", десам, у киши "Иложи йўқ, тегишли ташкилот рухсат бермаяпти", деган гапни айтди. Хўш, қуриган арчалар кимга керак? Унинг ўрнига янғисини экиб қўйса бўлади-ку!**

**Хулоса қилиб айтганда, қуриган дарахт бир кун, албатта, қулайди. Бироқ унинг қачон қулашини ҳеч ким билмайди. Бир кор-қол содир бўлмасдан унинг олдини олган маъқул.**

## Дўст ёди

Ўтган асрнинг 60-йиллари охири, 70-йиллари бошларида ўзбек матбуотига бир гуруҳ иқтидорли фотомухбирлар кириб келди. Равил Альбеков, Содиқ Маҳкамов, Нўмон Муҳаммаджонов, Рўздат Жуманиёзов, Фарҳод Қурбонбоев ва бошқалар газета ҳамда журналлар саҳифаларида мамлакатимизнинг турли ҳудудлари тасвирлари, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаларини, замондошларимизнинг фаолиятларини янги ракурс, кўринишларда акс эттирдилар. Ўзбек журналистикасини янгича фотоолам билан бойитдилар.

Ана шулар сафида яна бир фотомухбир – Даврон Аҳмад ҳам бор эди.



Даврон Аҳмад етмиш йиллик ҳаётининг ярим асрини фотожурналистикага, 40 йилни эса "Тошкент ҳақиқати" газетасида фотомухбирликка бағишлади. У шу йиллар давомида 3 мингдан ортқ турли мавзудаги суратларни матбуот саҳифаларида эълон қилдириди. Республиканинг барча вилоятларини, айниқса, Тошкент шаҳри ва вилоятиги неча марта қадамба-қадам кезиб чиқди. Халқимизнинг қалбидagi кувонч ва ташвишларни, муваффақият ва муаммоларни матбуот саҳифаларига муҳрлади.

Ўрта бўйли, ихчам гавдали, жингалак сочли, ўзидан олдин мўйлови кўринадиган Даврон Аҳмад тиним билмайдиган, ҳақиқатгўй, адолатпарвар инсон эди. Бирор жойда камчиликини, ноҳақликни кўрса чидаб туролмасди. Фотокамераси билан ўша камчиликини, ноҳақликни фош қилишга интиларди. "Фотоайбнома", "Фотомухбир танқид қилади", "Суратлар фош қилади", "Фотонигоҳ" рунклари остида берилган фотолар ва мақолалар орқали қанча муаммоларга ечим топди, камчиликларни бартараф этишга интилди.

У тахририятимиз билан яқиндан ҳамкорлик қиларди. Кейинги 5-6 йил ичида унинг юзлаб фотоларига ва мақолалари газетамиз саҳифаларида эълон қилинди. "Газетанинг номи улуг, унда ҳақиқатни акс эттирмасангиз, адолатни ёзмагангиз уят бўлади", дерди. Шунинг учун гоҳ у табиатга етказилаётган зарарлар, гоҳ Тошкент шаҳридаги истироҳат боғларидаги бузғунчиликлар, гоҳ маданий мерос ёдгорликларига эътиборсизликлар, гоҳ шаҳарсозликдаги камчиликлар ва бошқа кўпмавзуларда куюниб фотоларини тайёрларди.

Фото – юртимиз тарихининг оний лаҳзасини ўзида акс эттирувчи тасвир. Даврон Аҳмад ўз суратлари билан, ўша оний лаҳзалик ҳаёт лавҳалари билан тарихимизни нафақат газеталар ва журналлар саҳифаларига, балки халқимизнинг кўнглига ҳам муҳрлаб кетди.

У яхши, жонкуяр дўст эди. Дўст ёди эса унитилмайди.

**К.МУҲАММАД ЁҚУБ**

# ЮРАГИМДА ЖИЛМАЙИБ ЯШАЙДИ...

Турсун АЛИ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Истеъдодли шоир, таржимон, мунаққид Чори Аваз сафимизда юрганида, шу кунларда салкам етмиш ёшга тўларди, эл-юртнинг куюнчак шахси бўлар эди. Афсус... Касаллик юлинган майсадек эрта олиб кетди уни.

Начора... Ёш бўлса-да, ундан боғ қолди. Ниҳоллари беомон шамоллар экиннида эгилди, букилди, қаҳратон оғушида қалтираб, титраб бўй чўзди, мевалар берди.

Боғ оғушидан шоир овози эшитилиб, борлик бўйлаб таралмоқда сокин. Илк танишувимиз эсимда...

"Янги ТошМИ" касалхонасида мен ётган хонага икки баланд бўй ва бир ўрта бўй йигитлар кириб келишди. Жағи, боши оқ дока билан боғланган, уйқудаги шеригимга жим тикилишди-да, Акбарни безовта қилмайлик дея сўхбатга киришди.

Танишдик: фарғоналик Аъзамжон (Аъзам Ўқтам), қашқадарёлик Чори (Чори Аваз), самарқандлик Абдужалил (Абду Жалил), улар ҳозирги Миллий университет, журналистика бўлими 1-курс талабалари экан. Улар менга, сизга Абдулла Орипов "Ўзбекистон маданияти" газетасида "Оқ йўл" тиланган-а, дейишди ҳаяжон билан. Улар шеър машқ қилишини билдиришди ва эртага кўлемларни олиб келишга ваъда беришганча хайрлашди.

Уч ёш шоирнинг машқлари билан танишдим. Ҳар учовининг шеърларида кўр бор, олов бор. Бадиийлик учунлари ярқ этиб турибди. Айниқса, Чорининг "Келагажим улкан гўдаги", "Тонгга элтиб қўйсанг-эй, юлдузли кечаларни", "Оп-поқ қўшиқ бошлар юлдузли тун", "Ишқ юракка найзасин санчи, сачраб кетди оламга қоним" сингари мисралари юрагимга урилди, руҳим осмонни оқ нурларга чулғади.

Ҳар учала талабанинг шеърлари шуъла сочди юрагим кенгликларига...

Саксонинчи йилларда "Юлдузча" номли болалар нашриёти ташкил топди. Тажрибали ноширлар сафида Аъзам Ўқтам, Шойим Бўтаев, Равшан Файз, Рауф Субҳон, Ҳамза Имомбердиев, Абдураҳмон Акбар қаторида Чори Аваз ҳам бор эди. Нашриёт ойдан-ойга, йилдан-йилга бадиий юксак асарларни ва буюк боболаримиз меросини нашр этиб, доврўқ қозона бошлади.

Яхши китоблар тайёрлашда муҳир, заковатли муҳаррирлар сафида Чори Авазнинг ўрни катта эди.

Чори ўзининг фикр-қарашлари, юксак диди ва маҳорати билан ёш муҳаррирлар орасида "Юлдузча"нинг ёғдуси бўлиб, нур соча бошлади.

Бир кун тушлик маҳали нашриётга кирсам, ҳамма эшиклар қулф, фақат Чори ўтирадиган эшик қия очик. У Озод Шарофиддиновнинг Абдулҳамид Чўлпон ҳақидаги кўлемасини тахрир этаётган экан. Кўлемма анча бўйлаётганини кўриб, "Домла бу тахрирингизни қабул қиладимиз?", деб сўрадим.

– Ҳа, тахририни кўриб, ўзи рухсат берди, – деди секингина, хотиржам оҳангда. Уша пайтлари ҳар бир кўлемма қаттиқ тахрирдан сўнг нашр этиларди. Муҳаррир маҳорати нашр этилган китобдан билинарди.

Бир кун менга бош муҳаррир ўринбосари, ёзувчи Тоҳир Малик "Турсун Али, кейинги йил режасини тузаяман. Улуғ Ватан урушининг 45 йиллигига жаҳон шоирларининг уруш ҳақидаги шеърларини тўплаб, танлаб таржима қилсангиз", деб қолди.

– Беш табақ, режага киритаман, – деди ишонч билан.

Хуллас, китобга тўпловчи бўлдим-да, ўзим ёқтирган шоирларга таржима ишини тайинладим. Чори Авазга Янис Рицос шеърларидан таржима қилишини айтдим. У жуда қисқа вақт ичида шоирнинг гўзал шеърларини ўзбекчага ўгириб берди. Унинг таржимонлик маҳоратига ушанда яна бир бор тан бердим.

Уша пайтлари нашриёт ходимлари аризага биноан навбат билан давлат томонидан белгиланган автомашина сотиб оларди. Менинг навбатим бўйича "Жигули" машинаси берилди.

Кўлим келишиб, анча ўргангач, бир гуруҳ ёш ижодкорлар – Чори Аваз, Аъзам Ўқтам, Собир Унар ва Луқмон Бўрихон улловимда сафарга йўл олдик.

Самарқанд университетидеда профессор Нуриддин Шукуров таклифи ва раҳбарлигида талабалар билан ижодий учрашув қизгин кечди. Шеърхонлик авжига чиқди. Менга сўз берилганида, юрагимни очиб, Самарқанд шаҳрини яхши кўришимни баланд овозда айтдим. Нуриддин Шукуров кўзлари чакнаб, "Бобур Мирзо ҳам неча бор Самарқандга интилган", дея ҳазил қилди. Университетдан яхши таассуротлар билан шоду хуррам Қарши сари йўлга чиқдик. Чори Аваз хонадонига, унинг онаси ва акалари билан сўхбатимиз қизди. Тонгда мен атрофни кездим, қамишзор ва уйдим-чуқур ерларда сайр этиш хузуруни туйдим. Бироқ тоза сув ва оқар ариқлар йўқлигидан куюндим. Шўр босган тақир ерларда экин яхши бўлмастими тайин. Фарғонанинг ям-яшил далалари, кенг тўзторлари бир-бир кўз ўнгимдан ўтди. Ажаб, Ватан майдонлари турфа хил, турфа ранг, деган ўйга толдим.

Бир пайт Чорининг "чойга" деган хуш овози эшитилди. Ҳазил-хузул билан чойдан сўнг Чори ҳамда Луқмон ўқиман мактабда адабиётга, шеърятга қизиққан ўқувчилар билан учрашдик. Шеърхонлик асосида ҳар икки гузорлик ижодкор ижоди билан боғлиқ бахсу савол-жавоблар қизгин кечди. Мактабдан чиққач, Луқмон Бўрихон туғилган Дехқонбоддаги ота уйи сари йўл олдик. Луқмоннинг отаси пойимизга кўй сўйди. Бизни сийлаб тандир ёпти. Дастурхонга қайноқ гўшт тортилди. Ана, тоғнинг гашти... Сафар лаззати...

Собир Унар унинг-ўсган Қўшрабоддаги хонадон осмонига юлдузлар чарақлаб тураркан, Собирнинг "Эй, қадрдон юлдузларим, бормисизлар", деган тоғларда акс-садо берган овози билан адиб хонадонига кирдик. Тоғлик аёл – бошига катта рўмон тангинан онаси билан дийдорлашиб, ҳасратлашдик қадрдонлардек. Онанинг юраги тўлиб, кўзларига ёш қалқди. Йиги ҳам кўнглини бўшатади, дея узоқ сукот сақладик. Хуллас, тонгда Тошкент сари йўлга тушдик. Йўл узун, саёҳат завқли кечди.

Эртаси куни Луқмоннинг ижара уйида гилминди ерканмиз, сафар таассуротларини тилга олиб завқландик. Сафар ижодкорга руҳ, меҳр-оқибат бахш этишини яна бир бор ҳис қилдик.

Қарши шаҳрида "Насаф" нашриёти фаолият бошлаганида, Чори Авазни бош муҳаррир вазифасига чорлашдик. Тошкентда ижара уйларда зериккан Чори "йўқ" демади. Иш бошланди. Нашриёт тажрибали раҳбар ва ходимлар билан тез оёққа турди.

Чори Аваз оиласига Қарши шаҳридан уй берилди. Оила қаддини анча тиклаб олди. Икки қизи – порлоқ юлдузи кун сайин нурланиб бораверди. Чори нашриёт ишлари билан тез-тез қадрдон Тошкентга келар, иши битгач, гузорлик адабиётшунос олим Суннат Аҳмедов хонадонига таширғи бурюяр ва телефон орқали мени ҳам даврга чорлашарди. Биз ярим тунгача ҳаёт, адабиёт ҳақида сурурли сўхбатлар қулардик. Шундай учрашувларимизнинг бирида, у менга "Кўлемма беринг, китобингизни нашр этайлик", деб қолди.

Менинг "Изтироб остонаси" номли кўлемма Фафур Ғуллом номидида Адабиёт ва санъат нашриётини анча туриб қолганди. Шу сабабли кўлеммени олиб Чориға бердим. Орадан кўп ўтмай, китоб 10 минг нусхада нашр этилди. Ушанда фақат менинг эмас, кўплаб шоирларнинг китоблари "Насаф"да нашр этилди. Чори узоқдан туриб ҳам эзгу ишларни давом эттирарди.

Шоирнинг ижодий дарахти барг ёзиб, гуллаб, шигил-шиғил мевалар бераётган бир пайтда бўйрак касаллигига чалиниб, Тошкентда ботоблик аравачасида қайтди.

Уни кўргани – биз илк танишган "Янги ТошМИ" касалхонасига борганимда, акаси аравачада "қон тозалаш" бўлимга олиб бораётганди. Мени кўриб, юзида жилмайиб пайдо бўлди.

Уша-ўша кўзларимда, юрагим қаърида жилмайиб яшайди Чори Аваз. Бугун мақолада тилга олинган дўстларим, укаларим – улуг ижодкорларни юрагим тўлиб эслайман. Афсуски, бугун улар орамизда йўқ.

– Сизларни соғиниб кетдимку, эй, жондан азиз қадрдонларим!

# Бобур УМАРОВ: “МУВАФФАҚИЯТ КАЛИТИ ҲАРАКАТДА”



Яқин-яқингача тадбиркорлик деганда кўпчилигимиз соҳадаги моддий қийинчиликлар, сарсонгарчилик ва ояиб ташлаш мушкул бўлган тўсиқларни кўз олдимишга келтирганмиз. Қолаверса, ишбилармонлик фақат фойда олиш манбаи сифатида кўринарди. Бугун эса вазият ўзгарди. Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган амалий эътибор ва кўмак туфайли у фақат даромад манбаи бўлибгина қолмасдан, балки янги иш ўринлари яратиш, маҳаллий ва халқаро бозорларда юртимиз имижини юксалтириш имконияти эканини теран англадик.

Дунё шиддат билан ўзгариб бораётган экан, бозорда муваффақият қозониш учун бугунги тадбиркордан нафақат капитал, балки самарадан гоё, режа ва ижодий ёндашув ҳам талаб этиляпти. Соддароқ айтганда, энди тадбиркорликдаги ҳар бир янги қадам инновацияга асосланиши, гоё эса ижтимоий манфаатга хизмат қилиши ке-

рак. Ҳа, тадбиркорлик мамлакатимизда нафақат шахсий тараққиёт, балки жамият тараққиётининг ҳам муҳим омилга айланмоқда.

“ЯНГИ ЗАМОН ОДАМЛАРИ” руқнининг навбатдаги мекони – 10 йиллик тажрибага эга тадбиркор Бобур УМАРОВ. У ўз бизнеси йўлида бир нечта лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширган ва уларни турли йўналишларда самарали бошқариб келмоқда. Қаҳрамонимиз ҳозирда меҳмонхона, ресторан ва қаҳвахона соҳаларида ўз брендини яратиб, 400 га яқин ҳамюртларимиз бандлигини таъминлагани таҳсинга лойиқ, албатта. Қолаверса, юқори рақобат муҳитида барқарор ўсишга эришган. Бобур Умаров билан суҳбатимиз тадбиркорликка қизиқиш сабаблари, бизнесдаги муваффақият ва муаммолар, мижозлар билан ўзаро алоқа ва муносабатларнинг соҳага таъсири, вақтни самарали бошқариш усуллари ҳақида бўлди.

## – Бобур ака, тадбиркорликка қизиқишингизга айна қайси омиллар сабаб бўлган?

– Тадбиркорликка қадам қўйишдаги асосий сабаб эркинлик интилиши бўлган. Ўз-ўзимга раҳбар бўлиш ва вақтинчи ўзим бошқариш истаги тадбиркорликка йўл очди. Бунда эса асосий илҳом манбаим – оилавий муҳит. Менинг биринчи устозим – отам. Ундан меҳнатсеварлик, масъулият ва қатъиятликни ўргандим. Оиламизда ҳар доим меҳнат қилиш, ўз кучи билан натижага эришиш устувор қадрият бўлган. Шунинг учун тадбиркорликни танладим.

Биринчи бизнес гоёмча келсак, 2015 йилда Қашқадарё вилоятида қаҳвахона очиб гоёси пайдо бўлди. Ушунда пойтахт одамларида қаҳва ичиш маданияти энди-энди шаклланиётган, лекин вилоятларда бундай шариқ деярли йўқ эди. Мана шу бўшлиқни кўриб, бундан фойдаланишга қарор қилдим. Бошида қийинчиликлар кўп бўлди: бозорни ўрганиш, тажрибасизлик, молиявий масалалар. Лекин тадбиркорликда энг муҳим жиҳат шуки, муаммоларга тўсиқ эмас, имконият сифатида қараб келиш керак. Биз сифат ва миқдорга эътибор бериш орқали ишонч қозондик. Орадан вақт ўтиб, қаҳвахона нафақат Қашқадарёда, балки Тошкентда ҳам ўз ўрнини топди. Ҳозирги кунга келиб, Қозғистондан қанчалат маҳсулотларини олиб кириб, маҳаллий бозорда фаолият юритяпмиз. Соҳадаги биринчи сабоқ эркинликнинг қиймати, вақтинчи ва ресурсларингизни қандай бошқаришингизга боғлиқ бўлади. Шундан келиб чиқиб хулоса қиламанки, тадбиркорлик нафақат даромад, балки ўзингизни эркин инсон сифатида ҳис қилиш имконияти ҳамдир.

## – Биламизки, ҳар қайси тадбиркор, энг аввало, бозор эҳтиёжини пухта ўрганган ҳолда қўллаб-қувватлашга иштирок этиши керак. Сиз ҳам бир неча йиллик, аммо турли йўналишлардаги лойиҳаларни муваффақиятли бошқариб келаясиз. Бизни қизиқтиргани – уларнинг орасида қайси бирини амалга оширишга иккилангансиз, бироқ натижа сиз уйлагандан яхши бўлган?

– Ҳақиқатан ҳам, тадбиркор ҳар бир янги гоёни ҳаётга татбиқ этиш олдидан уни етти ўлчаб, бир кесиши табиий. Лекин мен доим бир нарсани англаганман: ҳар қандай шубҳа фақат вақт йўқотишга олиб келади. Шунинг учун ҳам, ҳар бир лойиҳа олдидан асосий эътиборимни бозор эҳтиёжини ўрганишга қаратаман.

Масалан, Қашқадарёда меҳмонхона очиб гоёсига тўхталсам. Уша пайтларда вилоятда туризмга эътибор янги бошқича кўтарилганди. Қолаверса, воҳа иқтисодиёти, санотини ривожлантиришда инвестицион муҳит жозибдорлиги ошди. Бу, ўз навбатида, маҳаллий ва хорижий сайёҳлар оқими кўпайишига, Қашқадарё кўплагин инвестор ва ишбилармонларнинг барқарор бизнес гоёларига манзил бўлишига сабаб

бўлди. Аммо мазкур талабни қондириш учун ҳудудда қулай ва замонавий шароитларга эга меҳмонхоналар етарли эмаслигини тушундим. Шундан келиб чиқиб, ҳаракатни бошладим. Бугунги кунда меҳмонхонамиз минтақага ташриф буюраётган меҳмонлар учун қулай масканга айланган, дея оламан.

Қаҳва бизнеси ҳақида гапирадиган бўлсак, бу лойиҳа аввалида очиги иккиландим. Чунки кўпчилик “Ўзбекларга қаҳва ёқмайди, биз чойхўр халқимиз”, дейишган. Қаҳвага талаб асосан пойтахтда юқори, вилоятларда эса унчалик оммалашмагандай туюлганди ҳам. Аммо одамлар кундалик турмуш тарзида кўпроқ енгилликни, руҳий тинимни истайдилар. Албатта, оғир меҳнат ёки доимий иш вақтидан сўнг бир финжон қаҳва ичишни ким ҳам хоҳламайди?! Шу жумладан, чой ёки бошқа ичимлик ўрнига қаҳвани танлаш одати ҳам жадал ривожланмоқда. Ҳозирда қаҳва бизнеси яхши натижа бермоқда.

Менинг асосий тамойилим шундай: гоёлар билан ишлашда чўчи-маслик, ўзингга ишонши ва иккиланмишлар ўрнида ҳаракатни биринчи ўринга қўйиш.

## – Албатта, сўнги ўн йилликда тадбиркорлик оламида қўллаб-қувватлашга иштирок этиш керак. Тадбиркорлар сафини кенгайтириш. Ушбу даврда фаолиятингизда сезиларли бурилишлар, ўзгаришлар қилолдингизми?

– Тўғри таъкидлагиниз, сўнги йилларда мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашдаги ўзгаришлар, ҳақиқатан ҳам, янгиликлар, ташаббуслар ва қўлайликлар олиб келди биз учун. Масалан, Президентимиз томонидан август ойида тадбиркорлар билан очиқ мулоқотлар ўтказилаётганини олайлик. Бу, албатта, тадбиркорлар ва давлат ўртасидаги ишончни мустаҳкамламоқда ва бизга ўз муаммоларимизни эркин ва аниқ намоён қилишга ёрдам берапти.

Бизнес омбудсман фаолиятининг йўлга қўйилиши ҳам бизнинг ишимизга кучли таъсир кўрсатди. Бу орган тадбиркорлар учун зарур бўлган барча ёрдамларни кўрсатишда муҳим роль ўйнамоқда. Биз унинг ёрдамида қўллаб-қувватлаш ва амалий саволларга жавоб олиш, иш билан боғлиқ муаммоларни осонлик билан ҳал қилиш имкониятига эга бўлдик.

Солиқ соҳасидаги ислохотлар яна бир муҳим масала. Давлатимиз раҳбари солиқ сисемасига янгиланишлар киритиш орқали биз, тадбиркорларга катта қўлайликлар яратишни мақсад қилган. Бу янгиланар биз учун нафақат енгиллик, балки фаолиятимизни қайта кўриб чиқиш учун ҳам улкан рағбат бўлди.

Эътибор беринг, илгари ҳар бир харидимиз, ҳатто гўшт ёки картошка олишда ҳам ҳар бир тўловимиз солиқ ҳисобида акс этарди. Энди бу қийинчиликлар олиб ташланди. Эндикда бизнес юритиш осонроқ бўлди. Тўланган солиқларнинг маълум қисми бизга “қашбек” сифатида қайтарилмоқда. Бунда давлатимиз

томонидан берилган имтиёзлар жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Ҳар қандай тадбиркор учун молиявий барқарорлик муҳим. Қўлга киритилган маблағлардан тўртинчи қисмини қайта олиш имконияти бизга нафақат қўшимча ресурс, балки ишга бўлган иштиёқ ва ишонч ҳам оширди. Чунки ҳар қандай янгилик, ҳар қандай қўлайлик – бу, аввало, келажакда ходимларнинг ишга қадрлайман. Шундай экан, бу ислохотлар фақатгина иқтисодий жиҳатдан эмас, балки шахсий ва профессионал ўсишимда ҳам катта ўрин тутди.

## – Ўзингизга яхши маълум, бугунги мижозга биргина хизмат ёки маҳсулотнинг ўзи етарли эмас. Улар кўшимча афзаллик, барқарор қадрият излашади. Бу борада сиз мижозларга нималар таклиф қиласиз?

– Ҳар бир тадбиркорнинг бизнесдаги энг муҳим мақсади – мижознинг эҳтиёжларига жавоб бериш. Лекин ҳозирги кунда фақат маҳсулот ёки хизматдан кўра, мижозлар янада кўпроқ нарсаларга эътибор беради. Товар ёки хизматни танлаш, сотувдаги самимий муносабат, тезкор хизмат кўрсатиш шулар жумласидандир.

Биз ўз фаолиятимизда “мижоз ҳар доим ҳақ” деган принципга амал қилишга ҳаракат қиламиз. Бу биз учун фақатгина касбий қадрият эмас, балки ҳар бир мижозга нисбатан масъулиятини англатади. Кўпинча, мижозлар фақат товар ёки хизматнинг сифатини эмас, балки биз билан бўлган мулоқотнинг қандай эканини ҳам баҳолашади. Мижозга тушунарли, самарали ва индивидуал ёндашув вақтида жавоб бериш ва ёрдам кўрсатиш уларнинг бизга қайта муносабат қилишларига сабаб бўлади. Бизнинг асосий мақсадимиз савдодан фойда кўриш эмас, балки мижозлар билан ишончли ва узоқ муддатли муносабат ўрнатилтириш.

## – Бир вақтнинг ўзида бир нечта лойиҳани самарали бошқариш осон иш эмас. Уларни оёққа қўйиш эса икки карра мушкул вазифа. Шундан келиб чиқиб, сиз вақт ва ресурсларни бошқаришда қандай стратегияларга амал қиласиз? Бунда қайси омилларни муҳим, деб биласиз?

– Бу, албатта, осон иш эмас, лекин менимча, бунинг асосий хусусияти адолатли ва ишончли бошқарувга таянади. Ҳозирда “SUBAMIN” МЧЖ таркибида “ARBAT” меҳмонхонаси ва ресторани фаолият юритмоқда. Уларда 100 нафар иш ўрни яратганмиз. Қолаверса, “МОСАССИНО” МЧЖ таркибида “MAGMA” қаҳва бренди асос солганмиз. Мазкур тадбиркорлик субъектида 300 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланган. Мен ҳар бир ходимга ўз вазифаларини адолатли тақсимлашга, уларнинг самарали ишлаши учун зарур шарт-шароитлар билан таъминлашга интиланман. Агар ҳар бир ходим ўз ишига масъул бўлса, у ҳолда биз самарали ва муваффақиятли ишлаш оламиз. Бунда ҳар бир одамнинг ишга бўлган

муносабатини юксалтириш учун адолатнинг ўзи етарли. Ходимларим билан доимий мулоқот қилиш мен учун муҳим. Чунки суҳбатлар орқали ҳар бир ходимнинг кайфияти, ишга бўлган муносабати ва шахсий эҳтиёжлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш мумкин.

Мен уларнинг фикрларини эшитиб, ишни самаралироқ бажариш учун қандай ёрдам беришим мумкинлигини аниқлайман. Ҳар бир ходимнинг ҳаётидаги кичик бир ўзгариш ҳам ишдаги натижаларига таъсир кўрсатиши мумкин, шунинг учун уларни тушуниш ва қўллаб-қувватлаш менинг асосий мақсадимдир.

Ҳар бир ходимга муносабатим ўзгача, чунки мен уларни нафақат ҳамкор, балки инсон сифатида ҳам қадрлайман. Шунинг учун ҳар доим ишдан ташқари уларнинг оилавий ҳолати, шахсий муаммолари ва эҳтиёжлари билан ҳам қизиқаман. Агар ёрдам керак бўлса, қўллаб-қувватлайман. Натижада ходимларнинг ишга бўлган иштиёқини оширади. Суҳбатлар ва ёрдам бериш – биз учун фақатгина ҳамкорликни яхшилаш эмас, балки иш муҳитини тўғри, самарали ва қўлай ташкил қилишга ёрдам беради.

## – Тажрибали тадбиркор сифатида мижозлар билан тўғридан-тўғри мулоқотнинг ўрнини қандай баҳолайсиз? Сизнингча, шахсий алоқалар ва ижтимоий тармоқлардаги фаол муносабат тадбиркорга моддийдан ташқари яна нималар бера олади?

– Юқори баҳолаган бўлардим. Чунки ҳар бир мижоз ўз фикрини билдирганда, маҳсулот ёки хизматни яхшилаш йўлида компания учун янги изланишлар манбаси сифатида қабул қилиниши керак. Яъни, мижозлар билан мунтазам алоқада бўлиш, уларнинг фикрларини тинглаш ва эҳтиёжларини тушуниш товар ва хизмат сифатини ошириш билан кифояланмайди. Балки уларнинг ишончини қозонишга ёрдам беради.

Ижтимоий тармоқларда фаол бўлиш эса тадбиркорга моддий фойда билан бира, янада кенгрок имкониятлар яратади. Ижтимоий тармоқлар орқали мижозлар билан алоқани кучайтириш, уларнинг фикрларини ўрганиш ва энг муҳими, компаниянинг брендини янада оммалаштириш мумкин. Бунинг натижасида тадбиркорда янги гоёлар туғилади ва бу, ўз навбатида, компаниянинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Ижтимоий тармоқлардаги фаол муносабат мижозлар билан тўғридан-тўғри алоқани янада осонлаштиради, деб ўйлайман.

## – Маълумки, тадбиркорларнинг катта қисми “доимий барқарорлик”ка катта ишонч билан қарайди. Бу бир ҳисобдан, албатта, яхши. Аммо ҳар соҳанинг ўз тошу тарозиси бор. Сизнингча, бу тушунча ҳақиқатга яқинми ёки тадбиркор ҳам ўзгариш ва ривожланиш борасида ҳали кўп “қовун пишиги”ни кўриши керакми?

– Тадбиркорлик ҳам керак келганда ўзига хос, ўрни келса мураккаб. Ҳеч

ким бир кунда иш бошлаб, бир кунда муваффақиятга эришмайди. Шунинг учун ҳам бу йўлни танлаган ҳар бир инсон сабр-тоқатли бўлиши керак. Тадбиркорликда кўплаб қийинчиликлар бўлади: баъзан тушишлар, баъзан муваффақиятлар, лекин энг муҳими – ҳаракатда бўлишдир. Мен ўзим тадбиркорликни фақат ҳобби, деб биламан, ёқтираман. Негаки, бу мени эртанги кунимнинг янада порлоқ бўлишига, янги гоё ва имкониятлар устида изланишга ундайди. Тадбиркор бўлиш – бу доимий ўсиш, ҳар кун янги нарсалар ўрганиш ва ўз мақсадинга эришиш учун интилиш бўлса, ҳар бир муваффақиятсиз ҳолат ҳам ўрганиш ва ўсиш учун имконият, менимча.

Мен ҳар доим шундай ўйлайман: агар ҳозир ҳаракат қилмасам, эртага чандон қийин бўлади. Ҳаракатни тўхтатмаслик керак, шунинг учун ҳар кун янги имкониятлар излаб, янги йўлларни ўрганиш керак, албатта. Иш фаолиятини бошлаш, муваффақиятсизликка учраганида тўхтамаслик – бу мен учун энг асосий гоё! Бу борада фақат сизда ички ишонч бўлиши устувор аҳамият касб этади. Ҳаётда ўз мақсади ва унга элтидиган бошқичаларни аниқ билган одамгина муваффақиятга эришади. Тадбиркорлик фақат бизнес эмас, бу – ўзини таҳлил қилиш, янги гоёларни амалга ошириш ва доимий ўсишдир.

## – “Бошлаш учун буюк бўлиш шарт эмас, аммо буюк бўлиш учун бошлаш керак”. Америкалик машҳур мотиватор Зиг Зигларнинг юқоридаги ҳикмати бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Бежиз бу ҳақида сўз очмадим. Биласиз, кўпчилик наздида “тадбиркорликда бошлаш қийин” деган одатий фикр бор. Сизнингча, бошлаш қийинми ёхуд давом эттириш?

– Мен учун ишни бошлаш ҳам, давом эттириш ҳам осон бўлди. Нега? Чунки ўз касбимни севаман. Биринчи жавобимда айтганимдек, буни отамдан ўрганганман. У киши менга шундай деб ўргатган: “Касбингни севагин, ишинг оғири ҳам лаззатли туюлади”. Бу сўзлар менинг ҳаётимда асосий тамойилга айланган. Ёш тадбиркорларга маслаҳатим шуки, касбни пул ёки шуҳрат учун эмас, қалбингиздаги қизиқиш ва муҳаббат билан танлан.

Агар ишингизни чин юракдан севагин, ҳар кун ишга ўзгача ғайрат ва иштиёқ билан бориб, ривожланиш учун янги имконият топа olasiz.

## – Бугун ижтимоий тармоқлар ва рақамли маркетингдан фойдаланиш кўпроқ тадбиркорга тош босади. Хўш, бу борада сизда қандай таклифлар, “синовдан ўтган” ечимлар бор?

– Ижтимоий тармоқларда ишлаш – бу шунчаки реклама ёки пост чиқариш эмас. Бу минглаб одамларнинг диққат марказида брендингиз обрўсини сақлаш масъулияти. Унга билдирилган ҳар бир лайк, изоҳ ёки фикр қимматли. Шунинг учун биринчи қоида рақамли майдонга жасорат билан кириш, деб биламан. “Синовдан ўтган” ечимларми? Марҳамат.

Кўпчилик реклама қилишга берилади, лекин мен тажрибамдан биламанки, одамларга фактлар эмас, воқеа ёқади. Ҳар бир маҳсулот ёки хизматнинг ортида шахсий тарих ётади. Шунинг айтиб бериш. Масалан, бир маҳсулот яратилиши жараёнида қизиқарли ҳодиса ёки биринчи мижоздан тушган энг таъсирли фикр – ана шундай воқеалар брендга ҳаёт бағишлайди. Рақобатда устунликни сақлаш учун фақат трендга эргашиб етарли эмас.

Трендни олдиндан ҳис этиш ва уни ўзингиз яратишингиз муҳим. Буни қандай қилиш мумкин? Мижозларнинг фикрларини доимий ўқиниб боринг, уларни тингланг. Одамлар қандай муаммоларни муҳожама қилаётганини билинг ва уларнинг муаммоларига ечим таклиф қилинг. Алгоритмлар, реклама инструментлари – ҳаммаси яхши. Лекин сизга садоқатли жамоа ҳам керак.

Бу жамоа мижозларнинг эҳтиёжларини англаб, тезкорлик билан жавоб бериши лозим. Тадбиркор учун рақамли дунё – бу нафақат бозор, балки синов майдони. Жазоси ҳам бор, мукофоти ҳам. Муҳими, сиз бу майдонда ҳар доим бўлинг, самимий бўлинг ва ҳар доим бир қадам олдинда юринг. Ана шунда мукофот ўзини узоқ куттирмайди.

## – Самимий суҳбатингиз учун ташаккур!

Илҳомжон АБДУСАЛОМОВ суҳбатлашди

ADOLAT logo and contact information including phone numbers, website, and social media links.